

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04 / 30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИКРАМОВА ФЕРУЗА АЛИШЕРОВНА

COVID-19 ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАР
ДИСФУНКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИДА МАТРИКС
МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАЛАР ЎРНИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Икрамова Феруза Алишеровна

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида матрикс металлопротеиназалар ўрни..... 3

Икрамова Феруза Алишеровна

Роль матриксных металлопротеиназ в развитии дисфункции почек у больных хронической сердечной недостаточностью, перенесших COVID-19. 19

Ikramova Feruza Alisherovna

The role of matrix metalloproteinases in the development of kidney dysfunction in patients with chronic heart failure after COVID-19..... 33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04 / 30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ИКРАМОВА ФЕРУЗА АЛИШЕРОВНА

COVID-19 ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАР
ДИСФУНКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИДА МАТРИКС
МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗАЛАР ЎРНИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2671 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодикулова Гуландон Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Собиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л.Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. COVID-19 пандемияси дунёнинг барча соғлиқни сақлаш тизимлари олдида касалликнинг эрта ташхислаш, даволаш, асоратлари профилактикаси, реабилитация ҳамда вакцинацияни ташкиллаштириш каби глобал муаммоларни кўймоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра: «коронавируснинг янги штамми - SARS-CoV-2 сабаб бўлган инфекция пандемияси бутун дунё бўйлаб касалланишлар сонининг тез ўсишига ва ўлимнинг юқори бўлишига олиб келди ...»¹. COVID-19 пандемияси бошланганида асосий эътибор унинг респиратор аъзоларни зарарлашига қаратилди. Шу билан бирга беморнинг ёши, юрак қон-томир ва бошқа коморбид касалликлар мавжудлиги COVID-19 да унинг кечишининг муҳим прогностик мезони эканлиги аниқланди. Кўп марказли тадқиқотлар маълумотларига кўра COVID-19да юрак қон-томир касалликларидан ўлим сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) мавжуд беморларда кўпроқ кузатилади. Бу беморларда буйрақлар дисфункцияси мавжудлиги нохуш клиник оқибатларнинг прогнози бўлиб, унинг учраши СЮЕда 25%дан 60% гача бўлган ҳолатларда кузатилади.

Жаҳонда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда юракнинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; унинг функционал маркерларни аниқлаш; касаллик ривожланиш хавфини специфик биомаркерларни қўллаган ҳолда эрта ташхислаш ва прогнозлашга ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда, ушбу беморларда буйрақлар дисфункциясининг турли клиник шакллари этиопатогенезининг янги жиҳатларини очиб бериш ҳамда касаллик ривожланиш хавфини эрта аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ушбу беморларда клиник жараёнларни объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, касалликнинг ривожланишини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»². каби вазифалар белгиланган. Ушбу

¹ World Health Organization. Coronavirus disease 2019 (COVID-19) situation report – 48. Available at: https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200308-sitrep-48-covid19.pdf?sfvrsn=16f7ccef_4. Accessed: March 9, 2020 4

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

вазифаларни амалга оширишда COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилигида клиник-функционал ва лаборатор ўзгаришларни эрта ташхислаш ва касаллик ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларни камайтириш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор тадқиқотлар COVID-19 нинг юрак-қон томир тизимига таъсири ва унинг патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (Guzik T.J., 2021; Maruhashi T., 2021; Арутюнов Г.П., 2021). COVID-19 ўтказган беморларда коморбид ҳолатларнинг мавжудлиги касалликнинг клиник кечиши ва прогнозида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолатларни эрта ташхислаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишни талаб этади (Grosman-Rimon L, 2020; Тарловская Е.И., 2021).

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда SARS-CoV-2 нинг бевосита ва билвосита эндотелий хужайраларини шикастлаши ренин-ангиотензин-адьдостерон тизими (РААТ) фаоллиги оширади ва бу касаллик кечиши зўрайиши ҳамда нохуш прогноз ривожланиши хавфини кучайтиради (Lanza K., 2020; Gupta A., 2020; Amann K. 2021). Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда COVID-19 ўтказган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланиши ва унинг асосий патогенетик механизми эндотелий дисфункцияси билан бир қаторда яллиғланиш давомийлигини ушлаб турувчи матрикс металлопротеиназалари (ММП) бўлиб, улар миқдорининг ортиши ўлим хавфи ҳамда нохуш прогноз кўпайишини кўрсатди (Shi S., 2021; Gelzo M., 2022).

Ўзбекистонда COVID-19 ўтказган беморларда касаллик кечишининг хусусиятларини ва патогенетик омилларнинг ролини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: COVID-19 нинг эрта реабилитация даврини баҳолаш (Муминов Д.К., 2021) касаллик патогенезида муҳим аҳамиятга эга РААТнинг гуморал омилларини юрак-қон томир касалликлари шаклланишидаги ролини аниқлаш (Камилова У.К., Рахимов

А.Н., 2022), COVID-19 бўлган беморларда ички аъзолардаги патофизиологик ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳолаш (Раимкулова Н.Р., 2022) ва бошқалар. Лекин COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчили мавжуд беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида матрикс металлопротеиназаларнинг хусусиятларини илмий асослашга қаратилган тадқиқотлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчили мавжуд беморларда металлопротеиназалар кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш, кечиши ҳамда ривожланишини прогнозлашнинг янги тамойилларини асослаб бериш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти MRB-2021-522 “COVID-19 реконвалесцентларида кардиоваскуляр хавфни баҳолаш алгоритми ва мобил иловасини ишлаб чиқиш” амалий гранти доирасида бажарилган (2021–2022йй).

Тадқиқотнинг мақсади COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш ва прогнозлаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункцияси ҳамда 3 ва 9 матрикс металлопротеиназалар кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда юрак қон-томир ремоделланиши жараёни ҳамда, уларни 3 ва 9 матрикс металлопротеиназалар билан боғлиқлик даражасини баҳолаш;

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишининг клиник-функционал предикторларини аниқлаш;

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланиши ва касаллик кечишини эрта прогнозлаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида шифохона шароитида даволанган 135 нафар ишемик генезли I-III функционал синфли (NYHA бўйича) сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, функционал ҳолат маълумотлари, биокимёвий, иммунофермент тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида ММП 3 ва ММП 9 ларнинг прогностик аҳамияти асосланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган COVID – 19 ўтказган беморларда юрак қон-томир ремоделланиши жараёни ҳамда ММП 3 ва ММП 9 лар ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ММП 3 ва ММП 9 даражасининг ошиши билан касалликнинг клиник кечиши, яллиғланиш маркерлари ва гемостаз кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик асосланган;

буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда COVID – 19 ўтказган беморларда сурункали юрак етишмовчилигини эрта ташхислаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиш хавфини баҳолаш учун эрта прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

беморларда клиник-функционал мезонлар асосида касаллик зўрайиши предикторлари аниқланган;

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункцияси кўрсаткичларини инobatга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнозлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сони етарли эканлиги, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, функционал, биокимёвий, иммунофермент текширувлар, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункциясини ривожланиши ва уни прогнозлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш ва касаллик кечишини прогнозлаш тамойилларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш ва прогнозлаш услубларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш ва прогнозлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 8н-з/492-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик кечиши ва прогнозни яхшилаш имконини берган;

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликни эрта аниқлаш, касаллик кечишини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар Соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик клиник шифохонаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 10 январдаги 08/00041-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш, клиник кечишини прогнозлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, унинг объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID – 19 ўтказган беморларда юрак қон-томир касалликлари ва буйраклар функцияси бузилишининг хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида COVID – 19 ўтказган беморларда юрак қон-томир тизими касалликларини кечишини ўзига хос хусусиятлари, матрикс металлопроиназаларнинг COVID – 19, юрак қон-томир тизими касалликлари ва буйраклар дисфункцияси ривожланиши патогенезидаги роли таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Материал ва тадқиқот усуллари тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник

тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган 135 нафар бемор текширилди. Уларнинг ўртача ёши $55,1 \pm 7,1$ ёшни ташкил этди. Нью-Йорк Ассоциацияси (NYHA) таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга ажратилди. I ФС 32 (23,7%) бемор, II ФС 59 (43,7%) бемор ва III ФСни 44 (35,6%) бемор ташкил этди. Тадқиқотга беморлар COVID-19 ўтказгандан кейин 4-6 ой давр ичида кузатувга олинди. COVID-19 ўтказган СЮЕ мавжуд беморлар ФС орасидаги респиратор кўрсаткичлар баҳоланганда СЮЕ мавжуд I ФС беморларда мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ўзгариши даражаси ва ўпканинг зарарланиши ўртача $27,72 \pm 1,51$ % ни ва кислород сатурацияси SpO_2 $96,4 \pm 0,21$ % ни ташкил қилса, худди шу кўрсаткич II ФС учун $38,43 \pm 1,23$ % га $94,4 \pm 0,17$ % га тенг бўлди. Ўпканинг ўзгариши даражалари максимал бўлган III ФС да унинг тўқимасининг зарарланиши I ФС дан 2 мартаба кўп бўлиб, ўртача $47,34 \pm 1,25$ % ни, SpO_2 $-92,9 \pm 0,21$ % ни ташкил қилди.

Барча беморларда комплекс клиник текширувлар ўтказилди, олти дақиқали юриш синамаси (ОДЮС), беморлар клиник ҳолати уни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ёрдамида, юрак систолик ва диастолик функцияси эхокардиография (ЭхоКГ) усули билан «MEDISON ACCUVIX V20» (Корея) аппаратида 3,25МГц датчиклар қўлланган ҳолда стандарт эхокардиографик позицияларда ёрдамида текширилди.

Буйрақлар функционал ҳолати қон зардобидаги креатинин (Кр), креатинин клиренси ва коптокчалар фильтрацияси тезлиги (хКФТ) ни аниқлаш орқали баҳоланди. КФТ СКД-ЕРІ формулалари ёрдамида ҳисобланди.

Қон зардобида ММП 3 ва ММП 9 ни аниқлаш «Elabscience» (АҚШ) реагентлари ёрдамида «Humareader HS» (HUMAN, Германия) иммунофермент анализаторида амалга оширилди. Назорат гуруҳини 35 та соғлом кишилар ташкил этди.


С реактив обисил миқдори биокимёвий усул билан латекс-агглютинация реакцияси орқали «Humateх CRP» (HUMAN, Германия) тўпламини қўллаган ҳолда аниқланди. Фибриноген биокимёвий усул билан ва Д димер иммунофермент усули билан «Вектор-Бест» (Россия) реагентлари билан аниқланди.

Беморларни кузатувдан истисно қилиш мезонлари қуйидагилардан иборат бўлди: жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар мавжудлиги, сурункали ўпка обструктив касаллиги, мураккаб аритмиялар, қандли диабет, анамнезда бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари ўтказганлиги.

Диссертациянинг «**COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйрақлар функционал ҳолати кўрсаткичларини ўрганиш**» деб номланган учинчи боби COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда касалликнинг буйрак дисфункцияси билан боғлиқ ривожланиш хусусиятлари таҳлилини ўз ичига олади.

COVID – 19 ўтказган СЮЕ I-III ФС ли беморларда хКФТ кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг 65 нафарида (48,1%) хКФТ ≤ 60 мл/дақиқа,

70 нафарида эса (51,9%) ҳКФТ 60 мл/дақиқадан юқори эканлиги аниқланди (1-расм).




1-расм. COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда КФТ кўрсаткичлари

СЮЕ III ФСли беморларда ҳКФТ≤60 мл/дақиқа бўлган беморлар 68,1%ни ташкил этди.

COVID – 19 ўтказган I ФСли СЮЕ беморларда Кр ва ҳКФТ мос равишда $81,5 \pm 11,3$ мкмол/л ва $71,8 \pm 12,5$ мл/дақ ни ташкил этди, бу кўрсаткичлар ёш параметрларини эътиборга оладиган бўлса меъёрий ҳолат ҳисобланади. СЮЕ II ФСли беморларда Кр ва ҳКФТ мос равишда $90,4 \pm 12,4$ мкмол/л ва $69,7 \pm 13,1$ мл/дақ ни; СЮЕ III ФСли беморларда эса Кр ва ҳКФТ мос равишда $101,8 \pm 13,9$ мкмол/л ва $66,8 \pm 12,4$ мл/дақ ни ташкил этди. СЮЕ II ФС билан оғриган беморларни СЮЕ I ФС маълумотлари билан солиштирганда ҳКФТнинг пасайиши ва Кр нинг ошишига мойиллик кузатилди. СЮЕ III ФС билан оғриган беморларда Кр даражаси СЮЕ I ФС билан солиштирилганда мос равишда ишончли даражада 12,9% ($p < 0,05$) га ошди ва ҳКФТ миқдори 11,7% ($p < 0,05$) га пасайди.


COVID – 19 ўтказган беморларда ҳКФТ кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики ҳКФТ≤60 мл/дақ бўлган беморлар гуруҳи ҳКФТ>60 мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳидаги кўрсаткич билан солиштирганда Кр кўрсаткичи 43,3% ($p < 0,01$) юқори ва ҳКФТ кўрсаткичи 32,8% ($p < 0,05$) га паст эканлиги аниқланди (2-расм).



Изоҳ: * $p < 0,05$; ** - $p < 0,01$ $x_{\text{КФТ} \leq 60 \text{ мл/дақ}}$ ва $x_{\text{КФТ} > 60 \text{ мл/дақ}}$ беморлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик

2-расм. COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйрақлар функционал ҳолати кўрсаткичлари


COVID – 19 ўтказган СЮЕ билан касалланган беморларда касаллик клиник кечиши кўрсаткичларини ўрганиш - ОДЮС, КХБШ ва уларни КФТга қараб таҳлил қилиш $x_{\text{КФТ} > 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморлар гуруҳига нисбатан $x_{\text{КФТ} \leq 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморларда ушбу кўрсаткичларда қуйидаги фарқларни кўрсатди: $x_{\text{КФТ} \leq 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи $312,4 \pm 73,5$ метрни ва КХБШ балларининг йиғиндиси мос равишда $7,3 \pm 2,0$ баллни ташкил этди. $x_{\text{КФТ} > 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморларда: ОДЮС ва КХБШ кўрсаткичлари мос равишда $353,4 \pm 71,3$ метрни ва $6,2 \pm 2,1$ баллга тенг бўлди (3-расм). $x_{\text{КФТ} \leq 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморларда ушбу кўрсаткичлар $x_{\text{КФТ} > 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморлар билан солиштирганда мос равишда ОДЮС кўрсаткичи 11,6% ($p < 0,05$) паст ва КХБШ 19% ($p < 0,01$) га юқори эканлиги аниқланди. $x_{\text{КФТ}}$ кўрсаткичининг ОДЮС натижалари $x_{\text{КФТ} \leq 60 \text{ мл/дақ}}$ бўлган беморлар гуруҳи билан ишончли корреляцион боғлиги қайд этилди ($r = 0,44$, $r = 0,51$).



Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$ $x_{\text{КФТ} \leq 60 \text{ мл/дақ}}$ ва $x_{\text{КФТ} > 60 \text{ мл/дақ}}$ беморлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик

3-расм. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги беморларда олти дақиқали юриш синамаси ва клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи кўрсаткичларини коптокчалар фильтрацияси тезлиги билан боғлиқлиги

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, COVID-19 ўтказган СЮЕ мавжуд беморларда буйрак дисфункцияси даражасининг ошиши билан юрак систолик функциянинг асосий кўрсаткичи - чап қоринчани отиш фракцияси (ЧҚ ОФ) пасайиши кузатилди: $xK\Phi T > 60$ мл / дақ бўлган беморларда отиш фракцияси (ОФ) мос равишда: $- 53,5 \pm 6,6\%$ ни, $xK\Phi T \leq 60$ мл/дақ бўлган беморларда $- 44,3 \pm 5,6\%$ ни ташкил этди (4-расм). $xK\Phi T > 60$ мл/дақиқа бўлган СЮЕ мавжуд беморларда охириги диастолик ўлчам (ОДЎ) ва охириги диастолик ҳажм (ОДХ) мос равишда: $5,3 \pm 0,5$ см ва $153,7 \pm 17,3$ млни ҳамда $xK\Phi T \leq 60$ мл/дақиқа бўлган беморларда эса мос равишда: $6,3 \pm 0,9$ см ва $177,2 \pm 18,3$ млни ташкил этди.



Изоҳ: * $p < 0,05$ – $xK\Phi T \leq 60$ ва $xK\Phi T > 60$ мл/дақ бўлган беморларда кўрсаткичлар ўртасидаги ишонччилик


4-расм. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда юрак ремоделланиш кўрсаткичларини коптокчалар филтрацияси тезлиги билан боғлиқлиги

Тадқиқот натижалари бўйича $xK\Phi T > 60$ мл/дақиқа бўлган беморларда охириги систолик ўлчам (ОСЎ) ва охириги систолик ҳажм (ОСХ) мос равишда $4,1 \pm 0,4$ см ва $91,5 \pm 5,6$ мл, $xK\Phi T \leq 60$ мл/дақиқа бўлган беморларда $5,5 \pm 0,3$ см ва $116,9 \pm 9,4$ мл бўлди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, $xK\Phi T > 60$ мл/дақиқа бўлган беморларга нисбатан $xK\Phi T \leq 60$ мл/дақиқа бўлганларда: ЧҚ ОФ $14,9\%$ га ($p < 0,05$) паст, ОДХ - $16,9\%$ га ($p < 0,05$) ва ОСХ $31,1\%$ га ($p < 0,05$) юқори эди. Буйраклар дисфункцияси билан кечган СЮЕ беморларда $xK\Phi T$ ва ЧҚ ОФ ўртасида тўғри корреляцион ($r=0,73$) боғлиқлик кузатилди.

COVID-19 билан оғриган СЮЕ мавжуд беморларда чап қоринча (ЧҚ) диастолик функциясини таҳлил қилганда, $K\Phi T \geq 60$ мл / дақ бўлган 17 беморда релаксация бузилиши, 14 тасида псевдонормал ва 8 тасида рестриктив типдаги тўлишиш кузатилди. $K\Phi T < 60$ мл / дақ бўлган 20 беморда релаксация жараёнини изолирланган бузилиши, 18 тасида псевдонормал ва 13 тасида рестриктив типдаги тўлишиш қайд этилди. $xK\Phi T \leq 60$ мл/дақиқа гуруҳдаги беморларда ЧҚ эрта тўлишиши Е кўрсаткичи $K\Phi T \geq 60$ мл / дақиқа бўлган беморлар гуруҳига нисбатан $11,4\%$ га ($p < 0,05$) паст эканлиги кузатилди.


Диссертациянинг «COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда матрикс металлопротеиназалар ва касалликнинг кечиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда матрикс металлопротеиназалар ва касалликнинг кечиши ўртасидаги боғлиқлик хусусиятлари баён қилинган.

5-расмда COVID – 19 ўтказган I-III ФСли СЮЕ билан касалланган беморларда матрикс металлопротеиназалар кўрсаткичлари келтирилган.



Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$ – I ФСли беморлар кўрсаткичларларига нисбатан ишончлик
5 расм. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда қон плазмасидаги матрикс металлопротеиназаларнинг кўрсаткичлари

I ФС СЮЕ мавжуд беморларда ММП 3 кўрсаткичи назорат гуруҳи билан солиштирилганда 1,6 марта, ММП 9 кўрсаткичи эса 1,4 марта ($p < 0,05$) юқорилиги кузатилди. II ФС СЮЕ беморларда эса ММП 3 кўрсаткичи назорат гуруҳи билан солиштирилганда 2 марта ($p < 0,05$), ММП 9 кўрсаткичи эса 1,6 марта ($p < 0,001$) баландлиги қайд этилди. III ФС СЮЕ беморларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 2,5 ва 2,1 марта ($p < 0,001$) назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги аниқланди. Мос равишда назорат гуруҳи билан солиштирилганда ММП 9 кўрсаткичи I ФС да 1,4 марта, II ФСда эса 1,6 марта ва III ФСда 2,1 марта юқорилиги кузатилди. СЮЕда буйракларнинг функционал ҳолатининг бузилиши ва ММП даражаси ўртасидаги боғлиқлик, хКФТ билан боғлиқ бўлган қон плазмасидаги матрикс металлопротеиназаларнинг сезиларли даражада ошишини кўрсатди (6-расм). COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда матрикс металлопротеиназалар даражасининг ошиши СЮЕ ФС ва буйракларнинг функционал ҳолати билан боғлиқ бўлиб, КФТ ≤ 60 мл / дақ бўлган беморларда хКФТ > 60 мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳига нисбатан ММП 3 кўрсаткичи 30,2% га ($p < 0,01$) ва ММП 9 кўрсаткичи эса 36,1% ($p < 0,001$) юқори эканлиги билан тавсифланди.




Изоҳ: * - $p < 0,01$; ** - $p < 0,001$ хКФТ > 60 мл/дақ беморлар гуруҳига нисбатан ишончли фар

6-расм. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда қон зардобидидаги матрикс металлопротеиназалар миқдорини коптокчалар филтрацияси тезлиги билан боғлиқлиги

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда матрикс металлопротеиназалар даражасининг ошиши унинг ФС ва буйрақларнинг функционал ҳолати билан боғлиқ бўлиб, КФТ \leq 60 мл / дақ бўлган ва III ФСли беморларда 3 ва 9 матрикс металлопротеиназаларнинг энг юқори кўрсаткичлари кузатилди. Улар ўртасидаги боғлиқлик таҳлили ўрганилганда ММП 3, ММП 9 ва КФТ \leq 60 мл/дақ лар орасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=-0,62$, $r=-0,55$ мос равишда).

Шундай қилиб, буйрақ дисфункцияси мавжуд COVID-19 ўтказган СЮЕли беморларда матрикс металлопротеиназаларнинг ишончли юқори эканлиги ва шу билан бирга, КФТ \leq 60 мл / дақ бўлган беморларда бу кўрсаткичларнинг янада ишончли баландлиги билан намоён бўлди.

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ММП 3 ва ММП 9 кўрсаткичлари юрак систолик функцияси бузилиши билан ассоцирланиши ҳам тавсифланди: ЧҚ ОФ кўрсаткичлари 50% дан юқори беморларда ММП 3 - 11,8 нг/мл ва ММП 9 - 14,5 нг/млни ташкил этди. ЧҚ ОФ 40-49% ли беморларда бу кўрсаткичлар ишончли юқори бўлиб, мос равишда - 13,2 ва 17,4 нг/мл эканлиги қайд этилди. ЧҚ ОФ <40% беморларда ОФ кўрсаткичлари 50% дан юқори беморларга нисбатан ММП 3 - 1,4 марта ва МПП 9 - 1,5 марта юқори эканлиги аниқланди (7-расм). ММП 3, ММП 9 ва ЧҚ ОФ орасида тескари корреляцион боғлиқлик ($r=-0,6$; $r=-0,67$ мос равишда) аниқланди.



Изоҳ: * - $p < 0,01$; ** - $p < 0,001$ ЧҚ ОФ >50% беморлар гуруҳига нисбатан ишончли фарқ:
7-расм. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда матрикс металлопротеиназалар миқдорини чап қоринча отиш фракцияси кўрсаткичи билан боғлиқлиги

COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган бемор қонида С реактив оқсил (СРО), фибриноген, Д-димер миқдорининг сезиларли даражада кўтарилганлиги кузатилди. Бунда СЮЕ I ФС СРО $4,8 \pm 0,5$ мг/лни, фибриноген - $423,5 \pm 7,6$ мг/длни, Д-димер - $227,7 \pm 11,3$ нг/млни ташкил этди, II ФС беморларида СРО миқдори 1,8 марта юқори бўлиб, $8,9 \pm 0,7$ мг/л ($p < 0,01$)ни, фибриноген ва Д-димер 21,9% ($p < 0,01$) ва 13,7% ($p < 0,05$) юқори бўлиб, $542,2 \pm 10,4$ мг/дл ва $263,7 \pm 12,2$ нг/млни ташкил этди. СЮЕ III ФС беморларида ҳам бу кўрсаткичлар I ФС беморларига нисбатан ишончли юқори бўлди: СРО - $12,8 \pm 1,1$ мг/л ($p < 0,001$) ни, фибриноген - $559,47 \pm 17,7$ мг/дл ($p < 0,01$)ни ва Д-димер $275,3 \pm 17,4$ нг/мл ($p < 0,01$)ни ташкил этди.

Уларда бу кўрсаткичларнинг миқдори билан ММП 3 ва ММП 9 ассоцирланиши кузатилди. СРО миқдори 6 мг/лдан юқори беморларда ММП 3 миқдори - 1,2 марта ва ММП 9 - 1,18 марта ($p < 0,05$) баландлиги аниқланди. Фибриноген кўрсаткичига нисбатан таҳлил, бу кўрсаткич 400 мг/лдан юқори бўлганда ММП 3 ва ММП 9 – 1,3 марта ($p < 0,01$), ҳамда Д димер кўрсаткичи 230 нг/л дан баланд бўлганда ММП 3 – 1,4 ($p < 0,05$) ва ММП 9 – 1,25 марта юқорилиги ($p < 0,01$) билан тавсифланди (1 жадвал).

1 жадвал

COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда С реактив оқсил, фибриноген ва Д-димер кўрсаткичлари даражаси билан матрикс металлопротеиназалар миқдорини боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	ММП -3 (нг/мл)	ММП -9 (нг/мл)
С реактив оқсил 6 мг/лдан паст	14,8±2,9	20,6±3,23
С реактив оқсил 6 мг/лдан юқори	18,2±3,3	24,5±1,57*
Фибриноген 400 мг/длдан паст	13,1±3,1	18,3±2,81
Фибриноген 400 мг/длдан юқори	17,5±2,7	23,8±2,6*
Д-димер 250 нг/млдан паст	13,9±2,9	20,6±3,23
Д-димер 250 нг/млдан юқори	19,5±3,9	25,9±2,48*

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясида матрикс металлопротеиназалар ММП 3 ва ММП 9 нинг ошиши билан тавсифланди ва уларнинг яллиғланиш ҳамда гемостаз кўрсаткичлари билан ҳам ассоцирланиши аниқланди.

Диссертациянинг «COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини прогнозлаш» деб номланган бешинчи бобида COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик клиник кечишини прогнозлаш келтирилган.

COVID – 19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини прогнозлаш мақсадида улар учун аҳамиятли бўлган омилларни ҳисобга олган ҳолда математик башоратлаш матрицаси яратилди. Ишлаб чиқилган прогностик матрица шифокорлар томонидан қўллашга қулай бўлиб, COVID-19 ўтказган СЮЕ мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда унинг ривожланишини башорат қилиш, шу жумладан индивидуал ташхислаш мезонларининг аҳамияти ва қиймати ҳамда прогностик аҳамиятини баҳолаш жорий этилган. Бирламчи тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган клиникалар шифокорлар мавжуд бўлган белгиларни аниқлаган ҳолда буйраклар функционал ҳолатини баҳолайди ва касаллик кечиши оғирлик даражасини башоратлайди. Бу кўрсаткичлар қон зардобдаги креатинин миқдори, EPI формуласи ёрдамида КФТни ҳисоблашдир. Таклиф этилаётган усул қиймати COVID – 19 ўтказган беморларда буйраклар функциясини ҳисобга олган ҳолда ташхиснинг аниқлигини ошириш ва беморларда СЮЕ кечишини башорат қилиш имконини бериши билан белгиланади.

Кўрсаткичларни ҳисоблаш натижасида буйрак функцияси бузилган беморларда СЮЕ прогнозини аниқлаш учун энг сезгир ва ўзига хос белгилар

сифатида - КФТ 60 мл / дақ дан кам бўлишини ($Sp=0,84$), ЧҚ ОФ 50% дан пастлигини ($Se=0,95$) қабул қилишимиз мумкин. Ушбу омилларга қўшимча равишда ОДЮС ва КХБШ кўрсаткичлари, яллиғланиш кўрсаткичи СРО, коагуляцион гемостаз кўрсаткичлари фибриноген ва Д димер ҳам касалликнинг клиник кечишини аниқлашда муҳим прогностик аҳамиятга эга.

Таклиф этилган усулдан фойдаланиш СЮЕ нинг оғирлиги ва ривожланишининг прогнозини ҳисоблаш ва баҳолаш учун уларни тезкор скрининг текширувдан ўтказиш имконини беради. Шунингдек, бир гуруҳ аниқланган белгиларга таъсир қилиш орқали буйрак функциясининг бузилишини ҳисобга олган ҳолда СЮЕ даволашда юқори самарадорликка эришиш ва беморларнинг прогнозини яхшилаш мумкин.

Амалий тиббиётда профилактика ва даволаш чораларини танлашда беморнинг хавф табақаланишини эрта ташхислаш муҳим аҳамиятга эга. СЮЕ кечишини буйрақлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда эрта прогнозлаш мақсадида касаллик клиник-функционал мезонлари ва лаборатор кўрсаткичлар комплекс баҳолаб, ҳар бир мезоннинг диагностик қиймати ва прогностик аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда эҳтимоллик назариясига асосланган ёндашув асосида прогностик модель яратилди. Унинг асосида беморнинг индивидуал хавф-стратификациясини баҳолаш учун ва касаллик кечишини башоратлайдиган дастур-калькулятор ишлаб чиқилди (8-расм). Бунда ташхисий коэффициентини ишончли аҳамиятга эга бўлган омиллар танланди: КФТ 60 мл/дақ дан кам, ЧҚ ОФ 50% дан паст, ОДЮС 300 метрдан кам ва КХБШ 5 баллдан юқори, СРО миқдори 6 мг/л дан баланд, фибриноген миқдори 400 нг/млдан ва Д димер 250 нг/млдан юқори бўлиши керак.

8-расм. COVID-19 ўтказган буйрак дисфункцияси мавжуд беморларда сурункали юрак етишмовчилиги кечишини прогнозини аниқлаш дастур-калькулятори

Ушбу калькулятор COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда буйрақлар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда касаллик кечишини индивидуал прогнозини аниқлаш имконини беради. Юқори хавф гуруҳ беморларини ажратиш даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш,

муолажалар самарадорлигини оптималлаштириш, асоратлар хавфини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

«COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида матрикс металлопротениазалар ўрни» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. COVID-19 ўтказган СЮЕ билан хасталанган беморларнинг 48,1% ида буйрак дисфункцияси аниқланди ва касалликнинг ривожланиши билан буйракларнинг функционал ҳолатида бузилишларнинг кучайиши кузатилди, бу эса СЮЕ III ФС мавжуд беморларнинг 68,1% ида $xK\Phi T \leq 60$ мл/дақиқадан пасайиши билан тавсифланади.

2. Буйраклар дисфункцияси COVID-19 ўтказган СЮЕ билан касалланган беморларда унинг клиник кечишининг зўрайиши билан ассоцирланади - $xK\Phi T \leq 60$ мл / дақ. бўлган беморларда $xK\Phi T \geq 60$ мл / дақиқа бўлганларга нисбатан ОДЮС кўрсаткичи 11,6% га паст, КХБШ 19% га юқори эканлиги аниқланди ва $xK\Phi T \leq 60$ мл / дақ бўлган беморлар гуруҳида бу кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлик кузатилди - ОДЮС билан тўғри корреляцион боғлиқлик ($r = 0,54$) ҳамда КХБШ билан тескари корреляцион боғлиқлик ($r = -0,50$).

3. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ММП 3 ва ММП 9 даражасининг ошиши касалликнинг клиник кечиши кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлиб, ММП 9 ва ОДЮС ўртасида кучли тескари корреляция мавжуд ($r = -0,74$), ўпканинг шикастланиш даражаси билан кучли тўғри корреляция аниқланди ($r = 0,71$). ММП 3 ва ММП 9 кўрсаткичлари билан бир қаторда СРО, фибриноген ва Д-димер каби яллиғланиш маркерлари ва гемостаз кўрсаткичлари ҳам касалликнинг клиник кечишига таъсир кўрсатади. Ушбу белгиларнинг юқори даражаси бўлган беморлар гуруҳида ОДЮС 21,5% га пасайиши ($p < 0,01$) ва КХБШнинг 24,9% га ортиши ($p < 0,05$) кузатилди.

4. COVID-19 ўтказган сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда ММП 3 ва ММП 9 даражасининг юқорилиги касалликнинг ФС ошиши ҳамда $xK\Phi T$ ва ЧҚ ОФ нинг пасайиши билан боғлиқ: $K\Phi T \leq 60$ мл / дақ бўлган беморларда $xK\Phi T > 60$ мл/дақиқа бўлганлар гуруҳига нисбатан ММП 3 кўрсаткичи 30,2 % га ($p < 0,01$) ва ММП 9 кўрсаткичи эса 36,1% ($p < 0,001$) юқори эканлиги билан тавсифланди. ЧҚ ОФ $< 40\%$ беморларда ушбу кўрсаткич 50% дан юқори бўлганларга нисбатан ММП 3 - 1,4 марта ва ММП 9 - 1,5 марта юқори эканлиги аниқланди. ММП 3, ММП 9 ва $xK\Phi T$ орасида тескари корреляцион боғлиқлик ($r = -0,62$; $r = -0,55$ мос равишда), ҳамда ЧҚ ОФ билан тескари боғлиқлик ($r = -0,6$; $r = -0,67$ мос равишда) аниқланди.

5. Буйрак дисфункцияси кўрсаткичларини баҳолаган ҳолда, COVID-19 ўтказган СЮЕ мавжуд беморларда касаллик кечишини башорат қилиш учун ишлаб чиқилган математик модел юрак-қон томир хавфини ўз вақтида аниқлаш ва буйраклар функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда даволаш усулларини танлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ИКРАМОВА ФЕРУЗА АЛИШЕРОВНА

**РОЛЬ МАТРИКСНЫХ МЕТАЛЛОПРОТЕИНАЗ В РАЗВИТИИ
ДИСФУНКЦИИ ПОЧЕК У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ
НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Tib2671.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Камилова Умида Кабировна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шодикулова Гуландон Зикрияевна**
доктор медицинских наук, профессор
Собиров Максуд Атабаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 г. в «___» часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2023 года).

А.Г.Гадаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А.Набиева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л.Аляви
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, академик

ВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. Пандемия COVID-19 поставила перед всеми системами здравоохранения мира глобальные задачи ранней диагностики, лечения профилактики осложнений, реабилитации и вакцинации при коронавирусной инфекции. По данным Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ): «пандемия коронавирусной инфекции COVID-19, которую вызывает новый штамм коронавируса – SARS-CoV-2 явилась причиной стремительного роста числа заболевших и высокой смертности во всем мире...»³. В начале пандемии COVID-19 основной акцент был сделан на респираторных проявлениях заболевания, в то же время стало ясно, что возраст пациентов, сопутствующие сердечно-сосудистые заболевания (ССЗ) и наличие коморбидных паталогии являются важными прогностическими критериями течения заболевания. Согласно данным многоцентровых исследований, смерть от сердечно-сосудистых заболеваний при COVID-19 чаще встречается у больных с хронической сердечной недостаточностью (ХСН). Установлено, что у больных ХСН наличие почечной дисфункции является предиктором неблагоприятного клинического исхода, распространенность которой при ХСН от 25% до 60%.

В мире у больных хронической сердечной недостаточностью, перенесших COVID-19 особое внимание уделяют оценке клиничко-функциональных особенностей сердца; определению их функциональных маркеров; разработке методов раннего выявления и прогнозирования риска развития заболеваний с применением специфических биомаркеров, ведутся научные исследования направленные на раскрытие новых аспектов этиопатогенеза различных клинических форм дисфункции почек и раннее выявление риска развития заболевания. В то же время важно совершенствование методов объективной оценки клинического течения заболевания у этих больных, а также разработка методов прогнозирования развития заболевания.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе осуществляются широкомасштабные меры направленные на снижение осложнений от сердечно-сосудистых заболеваний путем улучшения ранней их диагностики. В этом направлении по коренному совершенствованию системы здравоохранения поставлены ряд задач «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»⁴. При выполнении этих задач целесообразно осуществление исследований по совершенствованию ранней диагностики клиничко-функциональных и лабораторных изменений при хронической сердечной

³ World Health Organization. Coronavirus disease 2019 (COVID-19) situation report – 48. Available at: https://www.who.int/docs/default-source/coronaviruse/situation-reports/20200308-sitrep-48-covid-19.pdf?sfvrsn=16f7ccef_4. Accessed: March 9, 2020 4

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

недостаточности у больных, перенесших COVID-19 и улучшения прогноза риска развития заболевания, а также уменьшения причин инвалидности и неблагоприятных последствий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4649 от 26 марта 2020 года «О дополнительных мерах по предупреждению распространения коронавирусной инфекции в Республике Узбекистан», №ПП-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Диссертационная работа была выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В последние годы ряд исследований были посвящены изучению влияния COVID-19 на сердечно-сосудистую систему и ее патогенетические механизмы (Guzik T.J., 2021; Maruhashi T., 2021; Арутюнов Г.П., 2021). У больных, перенесших COVID-19 наличие коморбидных состояний имеет важное значение в течение и прогнозе заболевания, что требует разработки ранней диагностики и профилактических мер (Grosman-Rimon L, 2020; Тарловская Е.И., 2021).

